



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 14 » avgust

№ 380

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға қўчмас мулк тарихи маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишни йўлга қўйишга ўзгаририлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллӣ тизимиning сифат жиҳатидан янги даражага ўтказилишини таъминлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, қўчмас мулк тарихи маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишни йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ–244-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ–244-сон Фармонида қўчмас мулк тарихи маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП), давлат хизматлари марказлари ҳамда Кадастр агентлигининг davreestr.uz веб-сайти орқали кўрсатишни йўлга қўйиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига куйидагиларни назарда тутувчи ўзгаририш ва қўшимчалар киритилсин:

кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 фоизи** миқдорида йигим белгилаш;

кўчмас мулкнинг тарихи тўғрисида маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат хизматидан фойдаланиш учун мурожаат қилиш, сўровнома тўлдириш ҳамда давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгиловчи **Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш**.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти давлат хизматларини кўрсатиш тизими билан интеграция қилинишини ва ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХП орқали давлат хизмати кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кучкаров, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов ҳамда Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 14 августдаги 380-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига илова қўидаги мазмундаги 4.18-позиция билан тўлдирилсин:

“ 4.18. Кўчмас мулк тарихи тўғрисида маълумотнома бериш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи (давлат органлари учун бепул) ”.
---	--

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорида:

а) 1-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги “тасдиқлансин.” сўзи чиқариб ташлансин;
қўидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 5г-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) қўидаги мазмундаги 5г-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига
5г-илова

**Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчи) кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумот (кейинги ўринларда – маълумотнома) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг тегишли худудий бошқармаси (кейинги ўринларда – Палатанинг тегишли худудий бошқармаси) томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ҳамда “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги қонунлари талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилади.

3. Маълумотномада кўчмас мулкка бўлган амалдаги ҳамда аввалги хуқуқлар, давлат рўйхатидан ўтказилган сана, хуқуқни белгиловчи хужжатлар тури, ким томонидан берилганлиги, санаси ва рақами тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

4. Маълумотнома ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ берилади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

5. Ариза берувчи маълумотномани олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади, давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлигининг davreestr.uz веб-сайтида (кейинги ўринларда – davreestr.uz веб-сайти) рўйхатдан ўтади.

6. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда эса – ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда мустақил тўлдиради.

7. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

8. Давлат хизматини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш микдорининг 50 фоизи микдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим ундирилганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланади.

9. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

82 фоизи – Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси ҳисобварағига;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи – ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси ҳисобварағига;

в) davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат этилганда:

0,5 фоизи (ягона биллинг тизими орқали давлат хизмати кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасидаги маҳсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси ҳисобварағига ўтказилади.

10. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг сўровнома реал вақт режимида Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига электрон шаклда юборилади.

ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат этилганда эса – сўровнома автоматик тарзда Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига юборилади.

11. Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига келиб тушган сўровнома масъул ходим томонидан қабул қилиб олинади ва унинг тўғри тўлдирилганлиги текширилади. Агар сўровномада хато ва камчиликлар бўлса, уларни беш иш куни ичida бартараф этиш учун қайтаради.

12. Белгиланган муддатда хатолар бартараф этилмаган, етишмаётган маълумотлар тақдим этилмаган ва нотўғри маълумотлар тақдим этилган ёки давлат хизматини кўрсатиш учун йиғим тўланмаган тақдирда, давлат хизматини кўрсатиш рад этилади.

Давлат хизматини кўрсатишни ушбу бандда кўрсатилгандан ташқари бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

13. Палатанинг тегишли худудий бошқармаси сўровнома тушган ва тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб уч иш куни ичида ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ва давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёхуд ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали юборади.

14. Давлат хизматлари маркази маълумотнома тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари маркази ходими ариза берувчининг сўровига кўра унга маълумотномани электрон ёки қофоз шаклда бериши мумкин.

3-боб. Якунловчи қоидалар

15. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳукуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йифим суммаси қайтарилемайди.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

17. Ариза берувчи давлат хизматини кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

18. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни
тақдим этиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	<p>1. Маълумотнома олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки davreestr.uz веб-сайти орқали мурожаат этади.</p> <p>2. Хизмат кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш микдорининг 50 фоизи микдорида йиғим тўлайди.</p>	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 3. davreestr.uz веб-сайти	Сўровномани Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармасига юборади.	Сўровнома тўлдирилиши билан
3-босқич	Палатанинг тегишли ҳудудий бошқармаси	QR-код (матрик штрихли код) қўйилган маълумотномани расмийлаштиради ва давлат хизматлари марказига, ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) ЯИДХП ёки davreestr.uz веб-сайти орқали юборади.	3 иш куни ичida
4-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИДХП 3. davreestr.uz веб-сайти	Маълумотномани ариза берувчининг электрон манзилига жўнатади ва ариза берувчини бу хақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қиласи. Ўзи келиб мурожаат этганда, маълумотномани ариза берувчига беради.	Реал вақт режимида

Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни
тақдим этиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

**Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этиш бўйича
СЎРОВНОМА**

Ариза берувчи (юридик ёки жисмоний шахс) тўлдириши лозим бўлган
маълумотлар:

1. Жисмоний шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми, юридик шахснинг номи (ишончнома эгасининг Ф.И.О.)	
2. Юридик шахсларда солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), жисмоний шахсларда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
3. Кўчмас мулкнинг кадастр рақами	
4. Жисмоний шахснинг яшаш манзили ёки юридик шахснинг жойлашган жойи (юридик манзили)	
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)	



Кўчмас мулк тарихи тўғрисидаги маълумотларни
тақдим этиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

(Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири)

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги
Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси**

**Кўчмас мулк тарихи тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

Nº _____

20__ “___” _____

20__ “___” _____ да келиб тушган аризага асосан шуни маълум қиласизки,

Кўчмас мулк объектининг номи							
Кадастр рақами:							
Жойлашган жойи:							
Амалдаги хукуқ тури	<table border="1"><tr><td>умумий майдони (m^2)</td><td></td></tr><tr><td>қурилиш ости майдони (m^2)</td><td></td></tr><tr><td>курилган йили</td><td></td></tr></table>	умумий майдони (m^2)		қурилиш ости майдони (m^2)		курилган йили	
умумий майдони (m^2)							
қурилиш ости майдони (m^2)							
курилган йили							
Ер участкасининг хукуқни белгиловчи хужжатларининг шакли, ким томонидан берилганлиги, санаси, рақами:							
Бино ва иншоотларнинг хукуқни белгиловчи хужжатларининг шакли, ким томонидан берилганлиги, санаси, рақами:							
Аввалги хукуқ тури:	<table border="1"><tr><td>умумий майдони (m^2)</td><td></td></tr><tr><td>қурилиш ости майдони (m^2)</td><td></td></tr><tr><td>курилган йили</td><td></td></tr></table>	умумий майдони (m^2)		қурилиш ости майдони (m^2)		курилган йили	
умумий майдони (m^2)							
қурилиш ости майдони (m^2)							
курилган йили							
Ер участкасининг хукуқни белгиловчи хужжатларининг шакли, ким томонидан берилганлиги, санаси, рақами:							
Бино ва иншоотларнинг хукуқни белгиловчи хужжатларининг шакли, ким томонидан берилганлиги, санаси, рақами:							
...							
Чекланиш мавжудлиги							

Изоҳ. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига 5-иловага мувофиқ юқоридаги маълумотлар тақдим қилинади.

QR-код

”.